

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

№ 87 “13” апрель 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
Б.Э.Захидов



“ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИ (Янги таҳрири)

“ANOR BANK”
Акциядорлик жамияти
Акциядорларининг
2022 йил 22 февралдаги
навбатдан ташқари умумий
йиғилиши томонидан
(1/2022-сонли баённома)

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Иифилиш раиси
Ш.Н. Носиров

ТОШКЕНТ – 2022

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «ANOR BANK» Акциядорлик жамияти (кейинчалик «банк» деб юритилади) банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс ҳисобланади.

2. Банк таъсисчиларининг 2020 йил 22 февралдаги 1/2020-сонли баённомасига асосан акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган. Банк таъсисчилари қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси
фуқароси Олимов Қахрамонжон
Анварович (Olimov Qakhramonjon
Anvarovich), устав капиталидаги
улуши 95,1%

Ўзбекистон Республикаси
фуқароси Туракулов Давронбек
Шухрат ўғли (Turakulov Davronbek
Shuxrat o'g'li), устав
капиталидаги улуши 4,9%;

Паспорт № AB5004936, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 09 сентябр 2016 йилда берилган, амал қилиш муддати 08 сентябр 2026 йилгача, рўйхатдан ўтган манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор мавзеси Марказ 17/18, 4-үй, 141-хонадон

Паспорт № AA6070864, Андижон вилояти Андижон шаҳар 1-МБ томонидан 08 июл 2014 йилда берилган, амал қилиш муддати 07 июл 2024 йилгача, рўйхатдан ўтган манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, 162в-уй, 27-хонадон

3. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамдда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий хужжатлари ва бошқа қонун хужжатларига, шунингдек мазкур Уставга амал қиласди.

4. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига киради ва мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнини соддалаштирадиган ва инновацион банк технологияларидан фаол фойдаланишга имкон берувчи масофадан туриб юқори сифатли банк хизматларини тақдим этадиган банк ҳисобланади.

5. Банкни ташкил қилиш ва фаолиятидан мақсад - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида фойда олиш учун амалдаги қонун хужжатларида тақиқланмаган банк ва молиявий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шу жумладан масофадан туриб инновацион технологиялардан фойдалangan холда.

6. Банкнинг тўлиқ номи:
ўзбек тилида:
кирилл ёзувида: «ANOR BANK» акциядорлик жамияти;
лотин ёзувида: «ANOR BANK» aksiyadorlik jamiyati;

рус тилида: Акционерное общество «ANOR BANK»;
инглиз тилида: Joint stock company «ANOR BANK».

Банкнинг қисқартирилган номи:
ўзбек тилида:
кирилл ёзувида: «ANOR BANK» АЖ;
лотин ёзувида: «ANOR BANK» AJ;

рус тилида: АО «ANOR BANK»;
инглиз тилида: JSC «ANOR BANK».

7. Банк юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукукларни олиши хамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида банк хизматлари марказларини ташкил қилишга ҳақли, қонун хужжатларида кўзда тутилган ва ушбу Уставда белгиланган қоидалар доирасида уларга ҳукуклар бериши мумкин.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинчалик “Марказий банк” деб юритилади) рухсати билан чет элда шўъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

Банкнинг шўъба банклари ҳамда ваколатхоналари улар очиладиган ва (ёки) ташкил этиладиган мамлакат қонун хужжатларига мувофиқ очилади ва (ёки) филиаллари ташкил этилади.

Банкнинг марказга, филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки банкнинг балансида ҳисобга олинади.

9. Банк маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб ва рақалтириши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардир.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар булмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

10. Банк чекланмаган муддатга таъсис этилган.

11. Банк ўз тимсолига, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи ва тимсоли тасвири туширилган думалоқ муҳрига эга.

Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-үй.

Веб-сайт: www.anorbank.uz.

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

12. Банк ўз фаолиятида қуидаги молиявий операцияларини амалга оширади:
- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- чет эл валпотаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
- учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
- учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хукуқини олиш (факторинг);
- қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;
- аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;
- қимматбаҳо металлардан ясалган тангларни сотиб олиш ва сотиш;
- хосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
- хужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун маҳсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;
- лизинг бериш;
- қонун хужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;
- молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;
- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.
- Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.
- Банк банк фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.
13. Банк Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган банк фаолиятини ошириш хукуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.
14. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари, шу жумладан норезидентларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қиласди ва уларни талаб килиб олгунча сақланадиган депозит ҳисоб варакларида, омонат, муддатли депозит ҳисоб варакларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ҳисоб вараклари ва мажбурият ҳисоб варакларида сақлайди.
15. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга кредитнинг муддатлилик, қайтаришлиқ, таъминланганлик, мақсадлилик ва фоизлилик

принциллари асосида миллий валюта - сўмда ёки чет эл валютасида кредитлашни амалга оширади.

Банк томонидан бериладиган кредитлар, қоида тариқасида, амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ундириш мумкин бўлган мол-мулк гарови, шунингдек кафолатлар, кафилликлар, банк тажрибасида қабул килинган бошқа шакллардаги мажбуриятлар билан таъминланади. Банк бу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг етарлилигини ўз кредит сиёсати хамда Марказий банк қоида ва тавсияларини ҳисобга олган холда белгилайди.

16. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида кўзда тутилган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириши мумкин.

III. БАНК УЧУН ТАҚИҚЛАНГАН ЁКИ ЧЕКЛАНГАН ФАОЛИЯТ

17. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

18. Ушбу Уставнинг 17-бандида кўрсатилган чеклов қўйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

ўз активларини сотишга;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

19. Банкга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларида) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қўйидагилар мустасно:

кредит, сугурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюролари;

қимматли қоғозларнинг иккиласи мумкин бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

20. Банкка ушбу банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади.

21. Ушбу модданинг талаблари банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

IV. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ

22. Банкнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади ва ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган банк мол-мулкининг энг кам миқдорини белгилайди.

23. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай хуқуқларини (талбларини) хисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;

банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

24. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Банкнинг барча акциялари эгаси ёзилган, эмиссион қимматли қоғозлардир.

Банкнинг барча турдаги акциялари 1 000 (бир минг) сўмни ташкил этадиган номинал қийматга эга.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати банк устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

25. Банк устав капитали 205 000 000 000 (икки юз беш миллиард) сўмни ташкил этади ва қуйидаги акцияларга тақсимланади:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 205 000 000 (икки юз беш миллион) дона миқдорда.

Банк томонидан устав капиталини кўпайтириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари суммаси 350 000 000 000 (уч юз эллик миллиард) сўмни ташкил этади, шу жумладан:

номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 300 000 000 (уч юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.

номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона имтиёзли акциялар.

26. Банкнинг устав капитали миқдорини ошириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида ва мазкур Уставда кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

27. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (мазкур Уставда назарда тутилган қонун хужжатлари ва ҳоллар бундан мустасно), шунингдек, банк томонидан чиқарилган акцияларнинг максимал миқдорини белгилаш тұғрисидаги қарор

Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Кўшимча акциялар эълон қилинган банк уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўгрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акциялар ёки имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шунингдек қонун хужжатларига асосан жойлаштирилган акцияларни сотиб олишда имтиёзли хукуқга эга бўлган акциядорлар учун қўшимча акцияларнинг жойлаштириш нархи белгиланган бўлиши керак.

Банк устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори чегарасигача кўпайтириш, шунингдек, устав капиталини бундай кўпайтириш ва банкнинг эълон қилинган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган банкнинг мазкур Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

Банк (оддий) акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акцияларни, шунингдек корпоратив облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш хукуқига эга. Банк томонидан корпоратив облигациялар чиқариш ҳақидаги қарор Кузатув кенгашининг қарори билан амалга ошади.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошقا кимматли қофозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

28. Банк томонидан акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли қофозлар жойлаштирилса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар бундай қимматли қофозларни имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга. Акциядор, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида кайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади.

Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш қонунчиликда белгиланган тартибда, жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда хар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банк устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банк устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

29. Агар қонун хужжатларида бошқача холат кўзда тутилмаган бўлса, банкнинг устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

30. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган холда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Устав капиталини камайтириш хамда банк Уставига тегишли ўзгартиришлар

киритиши түғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш түғрисида қарор қабул қылган вақтда Акциядорларнинг умумий йигилиши капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

31. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан конун хужжатлари талабарини ҳисобга олган холда очик обуна ўтказишга ёки уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Жойлаштирилаётган акцияларнинг сони акцияларни чиқариш түғрисидаги қарорда кўрсатилган микдордан кўп бўлмаслиги лозим.

Банк томонидан қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли коғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очик ёки ёпиқ обуна) Акциядорлар умумий йигилишининг қарори билан белгиланади. Банк акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш услуби түғрисида кўрсатма бўлмаса, жойлаштириш фақатгина очик обуна йўли билан амалга оширилиши мумкин.

V. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

32. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлик қарорлар қабул килишда мустақилдир.

33. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

омонатлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш; шартнома асосида депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш;

ташкил этиладиган ҳисоб-китоб маркази ва вакиллик ҳисобвараклари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

банк операциялари бўйича воситачилик тўловлари микдорини мустақил белгилаш; лицензияда ва банк Уставида кўзда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-харакатлар ва операцияларни амалга ошириш.

34. Банк қуидагиларга мажбур:

банкнинг устав капиталидаги улушларга бевосита ва билвосита эгалик қилувчиларнинг, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорнинг шахси ва улушкининг микдори түғрисидаги мавжуд маълумотларни Марказий банкнинг сўровномасига биноан тақдим этиш;

молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этиш;

активлар бўйича йўқотишларга оид таваккалчиликни камайтириш мақсадида ўзининг капиталини ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туриш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни активларни таснифлаш асосида шакллантириш, шунингдек ўз активларининг диверсификация қилинишини таъминлаш;

Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариш;

Марказий банк томонидан белгиланган ички назоратга ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талабларга риоя этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши

курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш;

банк барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан заҳиралар ва фондларни ташкил қиласди. Жумладан, қонунчиликда белгиланган тартибда банк заҳира капитали таркибида “стандарт” деб таснифланган активлар учун, таснифланган активлар бўйича асосий қарздорлик қопланмаган қисмининг 1 фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил қилинади;

Марказий банк топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга ошириш;

бериладиган кредитларни, гаров (шу жумладан мол-мулк шаклидаги), кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олган холда таъминланишининг локал тартибини белгилаш;

банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

ўз мижоз ва вакилларининг операциялари, ҳисбарақлари ҳамда омонатлари бўйича маҳфийликни таъминлаш;

“тengлик” тамойилига риоя қилиш, яъни барча акциядорлар билан, уларнинг улуши миқдори, даромади, даражаси, жинси, келиб чиқиши, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъий назар бир хил муносабатда бўлиш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни Марказий банк белгилаган тартибда ошкор этиш.

35. Марказий банк предмети ёки мазмуни қуидагилардан иборат бўлган ҳар қандай тузилган келишув тўғрисида хабардор этилиши керак:

банк акциядорларининг умумий йиғилишларида ёки банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш хуқукини келишилган холда амалга ошириш;

банк бошқаруви органи аъзоларининг ёки банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг келишилган холда фаолият кўрсатиши;

банк бошқаруви ёки кузатув кенгashi аъзоларининг номзодларнинг ёхуд банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг кўпчилиги номзодини кўрсатиш хуқукини амалга ошириш.

36. Банк ўз мижози ва вакилларининг операциялари, ҳисбарақлари ҳамда омонатлари бўйича сирини кафолатлади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, мижоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилади.

VI. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ

37. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам, банк акциядорлари бўлиши мумкин.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охирги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўtkазиш чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки худудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар қуидаги хукукларга эга:

банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисбарағидан ўзига таалкуқли қисмидан кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

белгиланган тартибда банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг хаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

банк акцияларини олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда билан боғлиқ таваккалчиликни суғурта қилиш;

йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз беришда акциядорларнинг қўшма позициясини яратиш мақсадида акциядорлар келишувини ташкил қилиш;

акциядорлар ва инвесторлар учун банк сири ва маҳфий маълумотлардан ташқари бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш.

Акциядорлар қонун хужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳукуқларга хам эга бўлади.

Акциядор томонидан ҳукуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акциядорлар, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акция эгалари, банк Кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиш, кун тартибига таклифлар киритиш, фойдани тақсимлаш, акциядорларнинг умумий йиғилишигача бошқарув ва назорат органлари аъзолигига лавозимларни ўзгартириш ҳукуқига эгадирлар.

Имтиёзли акция ўз эгаларига ушбу Уставда белгиланган дивидендларни, шунингдек банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳукуқини берадиган акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига банк фойда кўриш-кўрмаслигидан катъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳукуқини беради.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар қонун хужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳукуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳукуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг микдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳукуқини олади.

38. Акциядор қуйидагиларга мажбур:

ўз акцияларига бўлган ҳукуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар хақида ўз вактида хабардор қилиш;

банк акцияларини сотиб олишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя этиш;

банк сирини ва маҳфий маълумотларни ташкил этувчи ахборотни ошкор этмаслик; ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлар ўзига тегишли акцияларни банкнинг

акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома чақириб олинган кундан эътиборан уч ой ичидаги сотиши керак;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу Уставда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши.

Банк акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур банк акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига ротишли борасидаги таклифини ўттиз кун ичидаги эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

VII. БАНК АКЦИЯЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛИШГА ДОИР РУХСАТНОМА ВА ЧЕКЛОВ

39. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:
беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;
йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;
эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

40. Ушбу Уставнинг 39-бандида белгиланган банк устав капиталидаги улушлар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олган шахслар томонидан ўзгаририлган тақдирда, қонунчиликда ўрнатилган тартибда хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

41. Банк бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк бошқа банкнинг устав капиталидаги улушкини қўпайтириш учун Марказий банкнинг тақорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

42. Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулқдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охирги бенефициар мулқдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

43. Агар банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқлади.

44. Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз тузилган банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

45. Банк акциялари қонунчиликда белгиланган тартиб бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек банк

Фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

46. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини ушбу мoddанинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳажмда олганда Марказий банк рухсатномасини олиш талаб қилинади. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини олган кундан эътиборан Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинадиган кунга кадар акциялар эгасининг хукуqlари тўхтатиб турилади.

47. Акциядор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банк акцияларини олган кундан эътиборан олтмиш кун ичida Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун ариза тақдим этиши керак. Акциядор томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган банк акциялари олинган кундан эътиборан уч ой ичida бошқа шахсга берилиши лозим.

VIII. БАНКНИНГ ФОЙДАСИ, ФОНДЛАРИ, ЗАРАРЛАРИ. ДИВИДЕНДЛАР.

48. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қофозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни банкнинг қимматли қофозлари билан тўлашга йул қўйилмайди.

49. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг хар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк Кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

50. Банк акцияларнинг хар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 сундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш чогида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра ддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар, якунланган молиявий йил натижасига кўра қўйидаги миқдорда тўланади:

- хисобланган дивидендлар акцияларнинг номинал қийматидан 18 (үн саккиз) фоизни ашкил қиласиди.

Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварагига ўтказиб бериши шарт.

51. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукуқига эга.

Банк акциядорларининг реестри, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилади.

52. Банк дивидендларнинг микдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Банк тўланадиган дивидендлар микдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

53. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг Кузатув кенгаси, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

54. Банк қуидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу Уставнинг 53-бандининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чоракда ва (ёки) молия йилида зарап мавжуд бўлганда.

55. Банк ўзининг хўжалик фаолияти натижасида оладиган фойдаси бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш ва фонdlарни ташкил қилиш учун ишлатилади.

56. Банк фонdlари банк Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ шакллантирилади ва банкнинг тўлиқ тассаруфида бўлади.

57. Банкнинг захира фонди банк устав капиталининг 15 фоизи микдорини ташкил этади. Банкнинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган микдорга етгунига қадар банк соғ фойдасининг беш фоизи микдорида хар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

58. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда банкнинг захира фонди банк зарарлари ўрнини қоплаш, банк корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

59. Банкнинг заарлари захира фонди ҳисобидан қопланади. Заарларни қоплаш учун захира фондининг маблағлари етишмаган тақдирда, заарни қоплаш манбалари тўғрисида қарор банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

60. Банкнинг соф фойдаси ушбу Уставга ва Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига мувофиқ тақсимланади.

IX. БАНКНИ БОШҚАРИШ

61. Қуйидагилар банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади:
Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
Кузатув кенгаши;
Бошқарув.

62. Кузатув кенгаши ва Бошқарув банк Устави, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида берилган ваколатлар доирасида банк фаолиятига раҳбарлик қилади.

Банк фаолиятини самарали ташкил этиш ва хорижий инвесторларни устав капиталига жалб қилиш, бошқарув органлари ва меҳнат жамоаси ўртасида ўзаро алоқалар тизимини яратиш Корпоратив бошқарув кодексига ва банкнинг бошқа локал хужжатларига асосан амалга оширилади.

63. Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

64. Банк Бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлиқ асосида ишлаши мумкин, бундан уларнинг бошқа банклар ва ташкилотларда ишга жойлашуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

65. Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига қўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозига киришишидан олдин Марказий банк билан келишиб олади. Баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур хужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

66. Банк корпоратив бошқарувга оид сиёsatни ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши

67. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

68. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

68.1. банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳхирдаги Уставини тасдиқлаш, Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга ошириладиган устав капиталини қўпайтириш ва эълон қилинган акциялар сонининг камайиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

68.2. банкни қайта ташкил этиш;

68.3. банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш хамда оралиқ ва якуний

тугатиш балансларшы тасдиқлаш;

68.4. Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

68.5. Миноритар акциядорлар қўмитасини тузиш ва сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

68.6. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

68.7. банк устав капиталини камайтириш;

68.8. қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва холларда, Марказий банк билан келишувга асосан, ўз акцияларини сотиб олиш;

68.9. банк ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

68.10. мажбурий аудиторлик текшируванинін ўтказиши учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш ёки шартномани бекор қилиш туғрисидаги қарорни қабул қилиш;

68.11. Кузатув кенгаси томонидан тайинланган банк Бошқаруви раисини тасдиқлаш;

68.12. банк Тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

68.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши, Миноритар акциядорлар қўмитаси, Кузатув кенгаси, банк Бошқаруви ва банк Тафтишчиси, шунингдек, Кузатув Кенгаси аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни, банк корпоратив бошқаруви Кодексини тасдиқлаш, шунингдек уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши;

68.14. банкнинг йиллик хисботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

68.15. банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

68.16. ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва банк Тафтишчисининг хуносаларини эшитиш;

68.17. қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

68.18. акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда, Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқни кўлламаслик тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

68.19. қонун хужжатларида белгиланган холларда банк билан алокадор бўлган (аффилланган) шахслар билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

68.20. акциядорларнинг умумий йигилиши регламентини тасдиқлаш;

68.21. акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

68.22. баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулкни сотиш ёки сотиб олиш хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

68.23. Кузатув Кенгаси ва Бошқарувнинг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботларини ва бошқа хужжатларни кўриб чиқиш;

68.24. хайр-эхсон, хомийлик ва бегараз ёрдам миқдорининг чегарасини белгилаш;

68.25. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, ушбу Уставда ва Акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисидаги Низомда назарда тутилган бошқа масалаларни хал этиши.

69. Ушбу Уставнинг 68-банди 68.1, 68.2, 68.3, 68.6, 68.17, 68.21, 68.24 кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

70. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартришлар киритишга ҳақли эмас.

71. Банк хар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши хар йили 30 июнь куни ўтказилади.

Зарур холларда банк Кузатув кенгаши акциядорларни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган холда, Уставнинг ушбу бандида кўрсатилган муддатдан олдин Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақиришга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

72. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқига Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасидан уч иш куни олдин шакллантириладиган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

73. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотлар ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

74. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) банкнинг йиллик хисоботи, банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан банк Тафтишчисининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Кузатув кенгашининг банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек Кузатув кенгаши ва банк Тафтишчиси хамда Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, банк Уставига киритиладиган ўзгартриш ва қўшимчалар лойихаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги Устави лойихаси киради.

75. Банк овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор):

банкнинг молиявий йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга хамда Кузатув кенгаши, банк Тафтишчиси бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли;

Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилишга ва унинг кун тартибига масалалар киритишга, фойдани тақсимлаш, Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар ўзгартриш ҳукуқи билан бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳукуқига эга.

76. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси билан, банк Тафтишчисининг ёзма талаби, шунингдек

талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Марказий банк Кузатув кенгашинининномидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни, акциядорлар Марказий банк томонидан белгиланган масалаларни, шу жумладан банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласини кўриб чиқишини талаб қилиш хукуқига эга.

77. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

78. Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган холда берилади.

79. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтдан, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзgartиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

80. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади ёки масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Кузатув кенгашинининномидан тасдиқланади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгашинининномидан чакирилмаган холлар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этган шахсга, ўзи томонидан тўлдирилган бюллетендан, ўз ҳисобидан нусха олишига рухсат берилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон ракамли имзо билан тасдиқланади.

81. Кузатув кенгашинининномидан аъзосини ёки банк Тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги масала

юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

82. Саноқ комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини банкнинг архивига топширади.

83. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Хар иккала нусха хам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

84. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида банкда уларнинг орасидан Миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар банкка Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида хозир бўлган ва Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига банк Бошқаруви раиси, Бошқарув аъзолари, шунингдек Кузатув кенгашига ва банк Тафтишчиси этиб сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун хужжатларига ва банк Уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул килинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг микдор таркибига сайланган шахсларнинг камидан уч қисми хозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорлар қўмитаси 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда сайланади.

Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул килинган қарорлар тўғрисида хар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича банкнинг хужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли

қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас, шунингдек миноритар акциядорлар тижорат ва банк сирини қўллаш орқали асоссиз равиша хужатлар ва маҳфий ахборотларни сўраш билан банк бошқарув органларининг фаолиятига тўскинлик қилишига йўл қўйилмайди.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Кузатув кенгашининг ёки банк Бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгashi

85. Банкнинг Кузатув кенгashi банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

86. Кузатув кенгashi банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

87. Кузатув кенгashi аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига қўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

88. Кузатув кенгashi банк акциядорларининг ҳуқук ва манфаатларини химоя қиласди ва банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни хал этиш бундан мустасно.

89. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

89.1. банкни стратегик бошқаришда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш, ҳалқаро тажриба асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

89.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун хужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган холлар бундан мустасно;

89.3. Акциядорлар умумий йиғилишнинг кун тартибини тайёрлаш, шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича керакли маълумотларни тақдим қилиш;

89.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойини белгилаш;

89.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

89.6. банкни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги банк Уставини тасдиқлаш, банкнинг йиллик ҳисоботи, фойда ва заарлари тақсимланишини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви ўтказиш (мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш ёки шартномани бекор қилиш бундан мустасно), тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

89.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

89.8. банкнинг сиёсатлари ва йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси банкнинг Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

89.9. банк Бошқаруви раисини лавозимига тайинлаш, унинг ваколат муддатини узайтириш ёки муддатидан олдин тугатиш ва кейинчалик бу масалани тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йигилишига киритиш. Конунчиликда ва банк локал хужжатларида белгиланган тартибда, банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар хам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин;

89.10. банк Бошқаруви аъзоларини лавозимига сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

89.11. фақатгина банк Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган аудит қўмитасини, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хар чорақда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;

89.12. Ахборот технологиялари қўмитасини (IT-қўмитаси) ва банк хатарларини назорат қилиш қўмитасини ташкил этиш;

89.13. банкнинг Тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

89.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

89.15. банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

89.16. банкнинг филиалларини ташкил қилиш ва ваколатхоналарини очиш;

89.17. шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

89.18. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги бир овоздан қарор қабул қилиш. Агарда йирик битим тузиш тўғрисидаги Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қарор қабул қилишга эришилмаса, Кузатув кенгашининг қарори билан йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Акциядорлар умумий йигилиши томонидан қарор қабул қилиш учун киритилиши мумкин;

89.19. банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

89.20. корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

89.21. банк билан алоқадор бўлган (аффилланган) шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, бундай битим тузиш тўғрисидаги қарор қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган холлар бундан мустасно;

89.22. банк томонидан корпоратив облигациялар, жамғарма ва депозит сертификатларини чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

89.23. акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қофозлар савдоларига чиқариш) нархини қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ белгилаш;

89.24. банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

89.25. банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал хужжатларни тасдиқлаш, қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши ва банк Бошқаруви ваколатига тааллукли бўлган локал хужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;

89.26. банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва банк Бошқаруви ёки унинг топшириги бўйича масъул шахслардан Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Кузатув кенгаши аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

89.27. Кузатув кенгаши қошидаги күмиталарини ташкил қилиш ва улар тұғрисидаги низомлар, шунингдек ички аудит ва ички назорат хизмати низомларини тасдиқлаш;

89.28. барча акциядорларга ошкор этган холда, Акциядорлар умумий үйғилиши белгилаган ва жорий йил учун тасдиқланган бизнес-режа доирасида, хайр-эхсон, хомийлик ва бегараз ёрдам күрсатиш шартлари тұғрисидаги қарорларни қабул қилиш. Бундай холатда хайр-эхсон, хомийлик ёки бегараз ёрдами миқдорининг чегараси ҳар йили акциядорларнинг үйлік умумий үйғилиши томонидан белгиланади;

89.29. банкда вужудға келадиган ўзаро қарашлар келишмовчиликлари (банк ва (ёки) мижоз учун келгусида нохуш холатта олиб келиши мүмкін бўлган банкнинг мулкий ва бошқа манфаатларида банк таркибий тузилмалари, унинг ходимлари, мижозлари ўртасидаги келишмовчиликлар)ни олдини олиш ва тартибга солиш;

89.30. учинчи шахслар томонидан банк фаолияти тұғрисидаги экспер特 хисоботларини банк веб сайты ёки "Интернет" ахборот телекоммуникацион тармоғида жойлаштириш учун бирламчи розиликни бериш;

89.31. банкнинг қўшимча акцияларини чиқариш йули билан устав капиталини кўпайтириш, шунингдек, банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

89.32. банк томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

89.33. қонун хужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тұғрисидаги низом ва банкнинг бошқа локал хужжатларида кўзда тутилган Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувига ўтказилиши мүмкін эмас.

90. Кузатув кенгаши мажбуриятлари:

ўз ваколатларидан банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

банкка малакали раҳбарликни таъминлаш;

банк Бошқаруви билан маслахатлашган холда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режаларини тасдиқлаш;

банкнинг амалиёт фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тұғрилиги устидан (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини химоя қилиш мақсадида) жорий назоратни амалга ошириш;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчилукларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тұғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги заарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

манфаатлар тұқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

банкнинг Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тұғрисида банк Бошқарувининг хисоботини эшитиш;

банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик хисоботлари асосида банк Бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва

тушунтиришларни ўрганиш, мухокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йигилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

банкнинг Ички назорат тўғрисидаги низоми талабларига риоя қилинишини назорат қилиш.

91. Кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Кузатув Кенгаши таркиби сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайлананиши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, шунингдек банкда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар Кузатув кенгаши аъзоси булиши мумкин эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

Акциядорлардан ташқари олимлар ва банк соҳаси мутахассислари хам Кузатув кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Куйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайлананиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги хуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гурухига тегишли бўлган ҳоллар мустасно; шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

Кузатув кенгаши таркибida, хар йили қайта сайлананиши мумкин бўлган биттадан кам бўлмаган мустақил аъзоси бўлиши керак.

Куйидаги шахслар, яъни:

охирги уч йил ичидан банкда ва (ёки) банкга аффиланган шахсларда ишламаган;

банкнинг акциядори ва (ёки) банкга аффиланган шахсни таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган;

банкнинг иирик мижози ва (ёки) банкнинг иирик етказиб берувчиси ва (ёки) банкга аффиланган шахс билан фуқаровий-хуқуқий муносабатда бўлмаган. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг баробари миқдорида бўлган амалдаги шартномаси бўлган шахслар иирик мижоз ва иирик етказиб берувчи деб ҳисобланади.

Кузатув кенгаши аъзоси вазифаси ва функцияларини бажариш билан боғлик бўлган шартномалардан ташқари, банк ва (ёки) банкга аффиланган шахслар билан бирон-бир келишувга эга бўлмаган;

охирги уч йил ичидан ёки амалда банкнинг ёки банкга аффиланган шахсларнинг бошқарув ва ички назорат органларининг аъзоси бўлган шахснинг турмуш ўртоғи, отонаси (фарзандликка олувчиси), қондош (тутинган) фарзанди, қондош ёки тутинган акаси-укаси, опаси-синглиси бўлмаган;

давлат бошқаруви ёки давлат корхонаси ходими бўлмаган шахслар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади.

92. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланниши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хакли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

93. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан Кузатув кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

94. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади хамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, банк номидан Бошқарув раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади.

Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

95. Кузатув кенгашининг йиғилиши Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши аъзосининг, банк Тафтишчиси, банк Бошқаруви аъзосининг, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялар эгаси бўлган банк Акциядорларининг талабига, ички аудит хизмати рахбари, ташқи аудиторининг талабига кўра, шунингдек қонунчилиқда кўрсатилган бошқа шахслар талабига чакирилади.

96. Кузатув кенгаши ҳар ой камидан бир марта чақирилади.

97. Кузатув кенгашининг йиғилишини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда кузда тутилган миқдорнинг 80 фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк Бошқаруви раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

98. Кузатув кенгашининг йиғилишда қарорлар йиғилишда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Уставнинг **89.18, 89.21, 89.31 ва 89.32** бандларидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилиш холлари бундан мустасно, бу масалалар юзасидан қарорлар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак. Агарда кўрсатилган масалалар юзасидан Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қарор қабул қилиш имкони бўлмаса, Кузатув кенгаши ушбу масалаларни банк Акциядорларининг умумий йиғилишига киритади.

Кузатув кенгаши қарорларини қабул қилишда овозлар teng бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

99. Кузатув кенгашининг йиғилишида баённома юритилади, у йиғилиш ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади.

Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси йиғилишда иштирок этаётган, йиғилиш баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (суроў йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси имзоланган куни банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот банк Бошқарувига Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказиладиган куни топширилади.

Банк Бошқаруви

100. Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимиға мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади. Бошқарувга раис раҳбарлик қилади.

Банк Бошқаруви қонун хужжатлари ва банк Уставига мувофиқ, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Банк Бошқаруви Кузатув Кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши олдида хисобдордир.

101. Банк Бошқаруви 7 (етти) кишилик таркибдан иборатдир. Банк Бошқаруви таркибига раис, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк юридик хизмати раҳбари киради. Банк Бошқаруви таркибиша шунингдек банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киритилиши мумкин.

102. Банк Бошқаруви раиси лавозимга Кузатув кенгашининг қарори билан бир йил муддатга тайинланади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши тасдигига киритилади. Конунчилликда ва банк локал хужжатларида белгиланган тартибда, банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, юқори малакали хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга тайинланади.

Банк Бошқаруви аъзоси бўлган акциядор ёки улнинг вакили, банк Бошқаруви аъзоларини сайлаш ҳақидаги масала юзасидан овоз беришга ҳақли эмас.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома банк номидан Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгашининг ваколат берган шахси томонидан имзоланади.

103. Банк Бошқарувининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, ушбу Устав ва банкнинг бошқа локал хужжатларига асосан Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, банк фаолиятига қундалик раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради.

Банк Бошқаруви:

103.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

103.2. банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради, ҳалкаро тажрибани чукур тахлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этади, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади; банкка хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратади, етакчи хорижий таълим муассасалари билан хамкорлик асосида

бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини оширишни ташкил қилади, шунингдек банкнинг раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилади;

103.3. банк ички назорат ва ички аудит хизматлари тўғрисидаги низомлар ва Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган бошқа локал хужжатлардан ташқари банк таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низом, тартиб, қоидаларни тасдиқлайди;

103.4. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг беш фоизидан ўн беш фоизигачани ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш хусусида битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилади;

103.5. Ўзбекистон Республикаси худудида банк хизматлари марказларини ташкил қилади;

103.6. банк Бошқаруви хузуридаги қўмиталарни ташкил этади ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

104.7. банкнинг кундалик фаолиятидаги муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

105.8. банк ички аудити хизматининг текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чорақда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

103.9. ташқи аудит текшируви натижалари ва Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция (текширув) ҳисботларини батафсил таҳлил қилади;

103.10. банкни бошқариш учун сиёсатлар, жумладан кредит, инвестиция, эмиссия, банк ликвидлигини бошқариш сиёсатларини ишлаб чиқиш бўйича чораларни кўради;

103.11. қонун хужжатлари, ушбу Устав, банк Бошқаруви тўғрисидаги низом ва банкнинг бошқа локал хужжатларида назарда тутилган банк Бошқаруви ваколатига кирадиган бошқа масалаларни хал қилади.

104. Банк Бошқаруви:

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада саклаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йигилишига ва кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисботни даврий равиша тақдим этиши;

ушбу Уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

105. Банк Бошқаруви йигилиши, агар унда банк Бошқарувининг камида 5 (бешта) аъзоси хозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қарорлар банк Бошқаруви йигилишида иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган холларда банк Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Банк Бошқаруви аъзоси банк Бошқаруви қарорига қўшилмаган холларда Кузатув кенгашига ўз фикри тўғрисида хабар бериши мумкин.

106. Банк Бошқаруви йигилишида баённома юритилади. Банк Бошқаруви йигилишининг баённомаси Кузатув кенгаши ва банк Тафтишчисининг талаби бўйича уларга тақдим қилинади.

Банк Бошқаруви йигилишини ўтказилишини, банк номидан барча хужжатларга ва банк Бошқаруви йигилиши баённомасига имзо чекувчи банк Бошқаруви раиси ташкил қиласи, ўз ваколат доирасида банк Бошқаруви қабул қилган қарорларга мувофиқ банк номидан ишончномасиз иш юритади.

107. Кузатув кенгаши банк Бошқаруви раиси, банк Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, улар шартнома шартларини бузган тақдирда, шунингдек ушбу Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан олдин тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

108. Кузатув кенгаши томонидан банк Бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк Бошқаруви раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд банк Бошқарувининг раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган холда Акциядорларнинг яқин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

109. Банк Бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Кузатув кенгаши банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласи, шунингдек банк Бошқаруви раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиради.

110. Банк Бошқаруви раиси:

Акциядорлар умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлайди;

банк номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган доираларда банкнинг мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;

қоидалар, иш тартиби ва бошқа локал хужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал хужжатлар бундан мустасно;

банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган локал хужжатларни имзолайди;

банк, банк хизматлари марказлари ва республика ташқарисида очиладиган филиал ва ваколатхоналарнинг штат жадвалларини тасдиқлайди;

ишончномалар беради;

банкларда банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-рақамлари ва бошка ҳисоб-рақамларини очади;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қиласи;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг беш фоизича бўлган мол-мулкни, кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари, сотиб олиш ёки сотиш хусусида битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

ходимларни, шу жумладан бўлинма, банк хизматлари марказлари, филиал ва ваколатхоналар раҳбарларини ишга қабул қиласи ва ишдан бўштади;

банк ходимларини қонун хужжатлари, ушбу Устав, Акциядорларнинг умумий йигилиши ва банк Кенгаши томонидан белгиланган тартибда рағбатлантиради, шунингдек уларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортади;

банк ходимларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва

кўрсатмалар беради;

Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва банк Тафтишчиси фаолиятини ташкилий техникавий таъминлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ банк фаолиятининг бошқа кундалик масалаларини хал қиласи.

X. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

111. Банк бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатига мувофиқ ташкил этади ва юритади.

112. Банк молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкин.

113. Банкдаги бухгалтерия ҳисоби:

бошқарувга, молияга, солиқقا ва назоратга оид ҳисботнинг ҳамда бошқа ҳисботларнинг ишончлилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари акс эттирилишини;

банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

банк акциядорлари ва Кузатув кенгаши томонидан банкнинг молиявий ахволини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак.

114. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вактида тақдим этилиши учун жавобгарлик амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

115. Банк Марказий банкка молиявий ва назорат ҳисботларини, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади. Банк Марказий банкнинг талабига кўра консолидациялашган, даврий, шунингдек бир марталик ҳисботларни тақдим этади.

Банк Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисботларнинг ва бошқа маълумотларнинг яхлитлиги ҳамда ишончлилиги учун жавобгардир.

Банк қонун хужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисботларни ҳам тақдим этади.

116. Банкнинг молиявий ҳисботларида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб-варагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти (кейинги матнларда - мустакил аудиторлик ташкилоти) томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

117. Банкнинг йиллик ҳисботи Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

118. Банкнинг амалиёт йили 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

119. Банк молиявий ҳисботларни, уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлик ташкилоти тасдиқлаганидан кейин Марказий банк томонидан белгиланадиган шаклда эълон қиласи.

120. Банк Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташки аудитдан ўтказилганидан сўнг Молиявий хисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузилган йиллик молиявий хисоботларини Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилишидан икки хафта олдин чоп этиши шарт.

121. Банк ўз маблағларига, капиталга доир талабларнинг бажарилишига, ликвидликка, таваккалчиликларнинг қийматига ва бошқа муҳим кўрсаткичларга (нормативларга) доир ахборотни ошкор этиши керак.

XI. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

122. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан банк Тафтишчиси сайланади.

Банк Тафтишчиси Акциядорлар умумий йигилишининг қарори бўйича қайта сайланиш ҳуқуқи билан бир йилга сайланади.

Тафтишга доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс банкнинг Тафтишчиси этиб кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, банк Бошқарувида бошқа лавозимни эгаллаши, шунингдек банкда меҳнати шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

123. Банк Тафтишчисининг ваколати ва фаолияти тартиби қонун хужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йигилишида тасдиқлаган банк Тафтишчиси тўғрисидаги низомда белгиланади.

124. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтишчининг, Акциядорлар умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кура ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

125. Банк Тафтишчиси банк фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий хужжатларга риоя қилиниши, банк ички назорати ўрнатилиши, банк томонидан йил давомида (тўлиқ ёки танлаб текшириш) ўтказилган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операциялари, касса ва мол-мулкнинг холатини текширади.

126. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра банк Тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:

ҳисоботларда ва банкнинг бошқа молия хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот кўрсатилиши шарт.

127. Тафтишчи банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва банк ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани хар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

128. Банк Тафтишчиси Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш

хукуқига эга.

129. Ички аудит хизмати банк Бошқаруви, банк хизматлари марказлари, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, банк Уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун хужжатларida белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали уларнинг ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

130. Ички аудит хизмати банк Кузатув кенгаси олдида ҳисобдордир.

131. Банк аудити мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳар йили ўтказилиди. Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларida белгиланган тартибда банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

132. Банкнинг аудиторлик текшируви Марказий банкнинг талабига кўра умуман банкнинг фаолияти бўйича ҳам, шунингдек банк фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

133. Банк аудиторлик текширувининг мақсади банкнинг молиявий ахбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини аудиторлик ташкилоти томонидан аниқлашдан иборат.

134. Банкнинг йиллик молиявий ҳисботи тўғрисидаги аудиторлик хулосаси қонунда назарда тутилганидан ташқари, аудиторлик ташкилоти томонидан:

банк томонидан ҳисбот санасидаги ҳолатга кўра пруденциал нормативларнинг бажарилишини;

банкнинг ички назорати ва таваккалчиликларини бошқариш тизимларининг ташкил этилиши Марказий банк томонидан кўйилган талабларга мувофиқлигини текшириш натижаларини ўз ичига олган бўлиши керак.

135. Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

XII. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

136. Банкни қайта ташкил қилиш амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан, Марказий банк руҳсати билан, ёки Марказий банк талаби билан амалга оширилади.

Банкни қайта ташкил қилиш бирлаштириш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва айлантириш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Қайта ташкил қилишда банк таъсис хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

137. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши

мумкин.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун:

банк акциядорлари умумий йигилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

138. Ихтиёрий тугатиш банк акциядорлари (иштирокчилари) умумий йигилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори асосида, кредиторлар ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда Марказий банкнинг рухсати олинганда амалга оширилади.

Банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк Марказий банкка акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

139. Банк Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори асосида мажбурий тугатилади.

Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

Марказий банк тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли.

140. Банк тугатилаётганда барча кредитор ва омонатчилар талаблари инобатга олинади. Кредиторлар ва омонатчилар билан ҳисоб-китоб тугагандан кейин, банкнинг колган мол-мулки тугатувчи томонидан қонун хужжатларида белгилangan тартибда акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Имтиёзли акцияларни тугатилиш қиймати уларнинг номинал кийматининг 100 фоизига teng.

141. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

142. Банк тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан банк қимматли қоғозларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейингина киритади.

XIII. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

143. Акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан банк Уставига киритилган барча ўзгартариш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

144. Банк Уставига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ёки банк Уставини янги таҳрирда қабул қилиш банкни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида кўрсатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

145. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банк Уставини янги таҳрирда қабул қилиш учунчи шахслар учун Марказий банк томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан кучга киради.

Анор Банк
Ш.С. Акрамов

22 феврали 2022 йил
11:07 часон

Вотироринге обиди таъсисатни таҳдид менори “ANOR BANK” (беко – Ҷамъият тоҷикистонии Ҷумҳурии Тоҷикистон) 27 нафари 2022 йил.

**“ANOR BANK” АЖ
Бошқаруви Раиси**

Ш.С. Акрамов

Дар борборномаҳо шахта ажойиҳо бечаки сабаби тарроҳ да узаси на
общем собрании акционеров 27 января 2022 года.

Сертификати акционеров о проводимои иштохордаго санаси сабаби
адабии.

Сабаби шахта корпоративӣ таҳдид менори “ANOR BANK” (беко – Ҷамъият
тоҷикистонии Ҷумҳурии Тоҷикистон).

Сабаби шахта корпоративӣ таҳдид менори “ANOR BANK” (беко – Ҷамъият
тоҷикистонии Ҷумҳурии Тоҷикистон), почта: Ҷонибеков, ӯзбекистони Ҷумҳурии
Тоҷикистон, Душанбе, архи дарёйи Оғузроҳо 16 фурӯш майдони 10 февраль 2022 йил.

На собрание присутствовали:

Насиров Ш.И.	Президентъе Исполнительного совета
Мурудзинов М.Д.	Член Наблюдательного совета банка
Аксаков Ш.С.	Президентъе Правления банка
Зеников Т.Ф.	Начальник Контрольского управления
Аманова Н.А.	Начальник отдела кредитных бумаг и ценных бумаг

Члены счетной комиссии, утвержденные на заседании Наблюдательного совета
зелюк ВАМК от 27 января 2022 года и состоящие:

Джуманозов Абдуллоҳ Қудратови,	Ибрагимов Муслим Ғабделлаҳиеви,
Хузаев Муродин Қасимови.	

Президентъе счетной комиссии Джуманозов Абдуллоҳиев, что согласно результатам
акционеров банка, предложенного Центральным Департаментом Узбекистана на 10
февраль 2022 года, общее количество избирателей и голосующих членов
составляет 205 000 000 штук простых избирателей и 15 000 000 голосов.

На заседании Регистрационного списка на избирательном участке избирателей
акционеров банка приняли участие (присутствовали): 2 600 избирателей, с общим
количеством 205 000 000 штук голосующих членов общежития 205 000 000 голосов.

Кворум собрания составляет 100% от размещенного количества голосующих членов,
имеющих право на участие на заседании общего собрания акционеров.

Соответствия со статьей 66 Закона Республики Узбекистон «Об акционерных
компаниях и земельном праве акционеров», которым для проведения внеочередного общего
собрания имеется, собрание признано предоставлено.

Тикилган ва ракамланган

44 (Курк төрт)

варакдан иборат

13 апрель 2022 йил

Имзо

